O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ушбу сонда:

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ 2

НИҚОБ КИЙГАН “БИЛИМДОН” 3

XXI АСР НАФАСИ воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ТОПЛИСС КЎЛИГА ЧЎКТИРИЛГАН ХАЗИНА 4

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 15 (470)
2006 йил 18 апрел
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

*Ширкат уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартирали уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан (бундан буён матнда умумий мол-мулк деб юритилади) фойдаланишни таъминлаш учун ташкил этилади.*

*Ширкатнинг фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:*

*ихтиёрийлик;*

*ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик;*

*ўзини ўзи бошқариш;*

*очиқлик ва ошкоралик;*

*ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш;*

*коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат;*

*уй-жой мулкдорлари олдида мунтазам ҳисобот бериш.*

«ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 4-МОДДА.

## ҚАДР-ҚИММАТ ИФОДАСИ

**Қонунчиликда адолат ва инсонийлик тамойилларининг қарор топиши жиноий жазоларни эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллигига боғлиқ. Жиноят содир этганга оғир жазо қўллаш билан жиноятчиликка қарши курашишда бирор-бир салмоқли натижага эришиб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён. Зеро, инсонни тарбиялаш, тўғри йўлга солишда кескин ва узоқ муддатли оғир жазо эмас, балки унга ўзини, қонун-қоидани англашда кўмак бериш, турмушда ўз ўрнини топиб кетишига ёрдамлашиш таъсир кўрсатади. Қолаверса, бундай муносабат халқимиз минталитетига хос бўлган фазилатлардир. Азалдан бағрикенгликни, йиқилганни суяшни фазилат сифатида юксак қадрлаб келаётган халқимиз давлатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларини, хусусан, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган сиёсатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётир.**



Истиқлол йилларида қабул қилинган амнистия актларига мувофиқ маҳкумларни жазодан муддатидан олдин озод қилиниши, муайян турдаги жазоларнинг қисқартирилиши турли сабаблар оқибатида жиноятга аралашиб қолган фуқароларнинг тўғри йўлни топиб олишларига ёрдам берди. Айниқса, **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонуннинг қабул қилиниши туфайли айрим жазо турларининг енгилроғи билан алмаштирилиши, ярашув институтининг жорий этилгани инсон қадр-қимматига жиддий эътибор қаратилаётганининг далилидир. Озодликдан маҳрум қилиш ҳолатларини қисқартириш ҳисобига беихтиёр жиноятга қўл урган кишиларнинг авф этилаётганига, бу билан уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига жиддий эътибор берилаётганига қуйидаги фактлар мисол бўла олади.

Чуст туманининг Ҳисорак қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янгиер маҳалласида яшовчи Зокиржон Турдиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) қўшнисининг уйига меҳмонга келган Баҳодир Даминовни кўриб, бир пайтлар у билан туман марказида гап талашиб қолганини эслайди ва дўстлари Шерали билан Жамолиддинга Баҳодирнинг таъзирини бериб қўйишни тайинлайди. Аммо дўстлари унинг таклифини рад этишгач, Зокирнинг ўзи «ишга тушиб» кетади - Баҳодирни дўппослаб, тан жароҳати етказади, беҳаё сўзлар билан ҳақоратлайди.

Суд-тиббий экспертиза Баҳодирнинг енгил тан жароҳати олганини аниқлади. Оқибатда муштумзўрга нисбатан Жиноят кодексининг 277-моддаси, 3-қисми «г»-бандини билан жиноят иши қўзғатилди. Фақат Олий Мажлис Сенатининг **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»**ги қарорига асосланиб, жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг ажрими билан З.Турдиевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди. Бундай меҳр -шафқатга жавобан энди у ўз феъл-атворидаги қусурлардан халос бўлишга интилмоғи лозим. Қолаверса, мазкур воқеа кўнглида беҳуда кин-адоват сақлаб юрадиган кишиларга ҳам сабоқ бўлади.

Жиноят кодексига **«Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида»**ги модданинг киритилгани туфайли эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятга билиб-билмай қўл урганлар жазодан озод этилмоқда.

Келинг, шу ўринда бир ҳаётий мисолга мурожаат этайлик. Фуқаро Гулмира Тожиева ўз уйида қайинсинглиси Ҳафиза билан тортишиб қолади. Бундан хабар топган Зафар Тожиев можаро сабабини суриштирмай туғишган опасининг ёнини олади ва қўлидаги пичоқ билан келинойисининг баданига тан жароҳати етказади. Суд-тиббий экспертиза Гулмиранинг ўртача оғир даражада тан жароҳати олгани тўғрисида хулоса беради. Бу қилмиши билан З.Тожиев Жиноят кодексининг 105-моддаси, 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Жабрланувчи Г.Тожиева суд мажлисидаги кўрсатмасида шифохонада даволаниб чиққанини, даволаниш учун кетган харажатни қайноғаси тўла қопланганини, улар ўртасидаги гина-кудратни унутиб, ўзаро ярашишганини ва бу ярашув ҳеч қандай тазйиқларсиз, ихтиёрий бўлганини эътироф этиб, З.Тожиевга нисбатан очилган жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишни сўради. Шу асосларга кўра, жиноят ишлари бўйича Чуст туманлараро суди Жиноят кодексининг **«Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида»**ги моддасини қўллаб, Г.Тожиевга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида ажрим чиқарди.

Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Биргина Чуст тумани бўйича Олий Мажлис Сенатининг **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ 15 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди, 2005 йилда 51 нафар, жорий йилнинг дастлабки чорагида эса 12 нафар шахсга нисбатан ярашув битими тасдиқланди. Бу билан нафақат ўша шахсларга, балки уларнинг оила аъзоларига ҳам бағрикенглик қилинди, мурувват кўрсатилди.

Бундай инсонпарварликнинг энг муҳим жиҳати эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этган шахсларнинг қонунни бузганга жазо муқаррарлигини чуқур англаб етиши билан боғлиқдир. Чунки ҳар биримизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз бўлганидек, жамият олдида ҳам бурч ва масъулиятларимиз мавжудки, биз уларни тўла-тўкис адо этишимиз шарт. Ўзганинг қадри, шаъни дахлсиз эканини, қонун билан ҳимоя этилишини унутмаслигимиз, ортиқча эҳтирос ва тийиқсиз ҳаракатлар ғайриқонуний қилмишларга олиб келишини ёдда тутмоғимиз лозим.

**Алишер ҚУРБОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Qonun ijodkorligi

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижаси ўлароқ қонун чиқарувчи олий орган - Олий Мажлис икки палатали асосида фаолият юрита бошлади. Шу йилнинг 24-25 феврал кунлари бўлиб ўтган парламентнинг юқори палатасининг бешинчи ялпи мажлисида давлатимиз раҳбари Сенатнинг тарихан қисқа давр - бир йиллик фаолиятини таҳлил қилар экан, унинг тўлиқ шаклланганини таъкидлади. Шу билан бирга Сенат фаолиятида айрим нуқсон ва камчиликлар ҳам мавжудлигини қайд этиб, уларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини баён этди.**

## ПАЛАТАЛАР ҲАМКОРЛИГИ:
## МУКАММАЛ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИШ КАФОЛАТИДИР

Президентимиз Ислом Каримов мамлакат тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш Сенат фаолиятининг мезони бўлишини таъкидлаш баробарида қонунчилигимиз ва амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги бўшлиқ ҳамда заиф нуқталарни аниқлаш ҳам юқори палатанинг муҳим вазифаси ҳисобланишини қайд этиб ўтди. Бу Сенат ва Қонунчилик палатасининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятига ҳам бевосита боғлиқдир. Шу маънода палатанинг охирги мажлисида маъқулланган ва Президентимиз томонидан имзоланиб, куни кеча матбуотда эълон қилинган **«Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиш билан боғлиқ Сенат ва Қонунчилик палатаси томонидан тузилган келишув комиссиянинг ишлаш жараёнига дахлдор айрим жиҳатлар, энг муҳими, мазкур қонуннинг амалдагиси билан ўзаро фарқи ҳамда афзал жиҳатлари тўғрисида батафсил фикр юритишни лозим топдик. Чунки қонун ижодкорлиги узлуксиз жараён бўлиб, бу борадаги ҳар бир тажриба келгусидаги такомил учун хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, уй-жой мулкдорлари ширкатларини ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институтига айлантириш учун талай амалий ишлар қилиниши зарур. Чунки уй-жой мулкдорлари ширкатлари биринчи галда, уй-жой мулкдорларининг маблағларини жамлаган ҳолда, бирлашган буюртмачи сифатида иш юритмоғи, тўпланган маблағларни бевосита ўз олдида турган мақсадга, яъни уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга йўналтириши лозим.

Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида мазкур қонунни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, уни такомиллаштириш ва маромига етказиш бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида Қонунчилик палатасига келишув комиссияси тузиш таклифи билдирилган эди. Бу таклиф Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Шундан сўнг келишув комиссияси томонидан мазкур қонун бир неча маротаба батафсил муҳокама қилиниб, ягона тўхтамга келинди, яъни комиссиянинг иш якунлари бўйича қонун юзасидан тайёрланган хулоса, қонуннинг янги лойиҳа матни, қиёсий жадвал ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар билан Қонунчилик палатаси мажлисига депутатлар муҳокамасига киритилди.

Ушбу қонун келишув комиссияси таклиф этган таҳрирда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва Сенат муҳокамасига юборилди. **«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»**ги қонундаги (келишув комиссияси томонидан тайёрланган лойиҳаси асосида) кўп квартирали уйдаги яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорларининг ширкат билан ўзаро муносабатини тартибга солувчи **«Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори»** номли 6-моддага биноан:

- кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ҳисобланиши;
- унинг яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси эканини;
- кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт эканини;
- яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланган жой майдонига мутаносиб равишда белгиланиши;
- ширкатнинг кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори билан муносабатлари улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга солиниши;

*(Давоми учинчи бетда)*

Ogohlik zarurati

## ЭЗГУЛИК ИЖРОСИ
### у ҳамиша ҳушёр бўлишни тақоза этади

***Табиатда ҳеч бир нарса алоҳида ҳолда учрамайди. Одам ҳам, жамият ҳам шундай.***

***Биз истиқлолга эришган кунимиздан янги жамият барпо этишга киришдик. Бозор иқтисодиёти, демократия, ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танладик. Якка мафкура ҳукмронлик қилган, давлат гегемон бўлган шўро тузумидан мустақил, эркин рақобат асосидаги иқтисодиёт, демократик тамойилларга суянадиган жамиятга ўтиш осонми?***

Бугун халқимиз ўз тарихидаги буюк ўзгаришлар жараёнини бошидан кечиряпти. Чегараларимиз мустаҳкам, юртимиз тинч, мамлакатимиздаги барча миллатлар ўзаро тотувликда, ҳар ким ўз динига эмин-эркин эътиқод қилган ҳолда яшаяпти. Улкан яратувчилик ишлари амалга оширилаётганини бутун дунё кўриб турибди. Бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Кун сайин ҳаётимизни яхшилашнинг янада мукаммалроқ йўлларини излаяпмиз.

Бугун камида ҳар икки суҳбатдошнинг биридан Ўзбекистонимизнинг тақдирини ўйлаб айтилган бир мулоҳазани эшитамиз. Шундай бўлиши керак. Чунки фуқаро - жамиятнинг субъекти. У мамлакат умумтақдиридан бевосита манфаатдор. Шахс қанча фаол бўлса, жамият тараққиёти шунча тезлашади. Ҳамма нарса, борингки, ҳар қандай сиёсат, ҳар қандай иқтисодиёт, ҳар қандай мафкура, ҳар қандай маънавият - инсон учун.

Инсон эса онгли мавжудот. Оллоҳнинг энг буюк ижоди ўзи шу инсон. Яратилган бошқа ҳеч бир нарсада онг ва қалб йўқ. Бутун дунёдаги барча курашлар айнан шунинг учун ҳам одамлар онги ва қалбини эгаллашга қаратилган.

Ўтган ўн беш йилга яқин давр мобайнида мамлакатимиз жаҳондаги кескин мафкуравий курашлар майдонига айланди, десак, хато бўлмайди. Чунки... Биринчидан, биз Ер куррасининг белбоғига яқин жойидамиз, азалдан бундай ҳудудга эгалик қилганларнинг ошиғи олчи бўлиб келган. Иккинчидан, Марказий Осиё давлатлари шўро империяси зуғумидан қутулганидан кейин бу ерда янгидан ўз манфаатини топишга уриниш ичдан авж олди ва бу масалада Ўзбекистон ҳал қилувчи мавқеда турадиган давлат. Учинчидан, хорижда бу ёш, мустақил давлатлар халқларининг кенг жаҳон билан боғланиш тажрибаси кам, ҳам мустамалака бўлган, ҳам маҳдуд тузумда яшаган, шунинг учун уларнинг бундай тажрибасизлиги, соддалигидан пайтида фойдаланиб қолиш керак, деган тасаввур кучайди.

Бундан саккиз йил муқаддам ғарб давлатларидан бирида қитмир журналист бизни демократиядан узоқликда айблаб қолди. Албатта, демократия - тарихий тараққиёт маҳсули, унинг такомилга етиши учун муайян давр ўтиши, бир неча босқич босиб ўтилмоғи лозим. Шуларни ўйлаб, мен "ҳимоя"га шайланиб турдим.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямизнинг 13 йиллиги тантанасида алоҳида таъкидлаб айтганларидек, демократияни экспорт қилиш социализмни экспорт қилишдан кўра ҳам оғирроқ оқибатларга олиб келиши мумкин-да.

Лекин хорижлик журналист демократия масаласида етти ухлаб, тушимизга кирмайдиган жойдан "чимчий" бошлади: "Сизларда инсон ҳуқуқлари бузиляпти. Мусулмон оилаларда туғилган ўғил болаларни етти ёшигача ёппасига хатна қилар экансизлар. Ахир, у ҳали паспорт олмаган, ҳали ўзини англаб етмаган, уни ўзидан сўрамасдан, мурғак жонига азоб беряпсизлар. Ахир, 16 га тўлганидан кейин ўзи ёзган, нотариус тасдиқлаган аризаси билан хатна қилиниши керак..." эмиш.

Албатта, бизга демократия керак. У фақат ғарбники бўлгани учун эмас, башарият эришган энг охирги умуминсоний ижтимоий қадрият сифатида зарур. Ахир, демократия - аввало, сиёсий тушунча. У халқ сайламаган киши давлатни бошқармайди, халқ сайламаган кишилар қонун қабул қилмайди, қонун олдида ҳамма баробар, деган тушунчаларни англатади.

*(Давоми учинчи бетда)*

## www.minjust.uz
### ИНТЕРНЕТДА АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ РАСМИЙ САЙТИ ИШ БОШЛАДИ

Yangilik

Интернет-халқаро ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий **www.minjust.uz** сайти иш бошлади. Ушбу сайт давлат ахборот ресурсларининг бир қисми ҳисобланиб, фуқароларнинг ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда уларни вазирлик фаолиятига оид зарур маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу сайт вазирлик тизимига кирувчи идоралар Интернет сайтларининг асоси ҳисобланади. Сайтнинг тузилиши ва унда эълон қилинадиган ахборот ресурсларининг таркиби Адлия вазирлиги томонидан қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

Адлия вазирлигининг расмий Интернет сайтида вазирлик тизими, вазирликдаги янгиликлар, қонунчилик, тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат реестрлари ва вазирлик расмий нашрлари ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Бундан ташқари, ушбу сайтда қуйидаги маълумотлар эълон қилинади:

- Адлия вазири ёки унинг раҳбариятининг расмий нутқ ва матбуотда чиқишлари, баёнотлари;
- Адлия вазири ёки унинг раҳбарияти ва делегацияларининг расмий ташрифлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Вазирлик вазифалари, ваколатлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Вазирлик тузилмаси ва тизими тўғрисидаги маълумотлар;
- Адлия вазирлиги, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги маълумотлар;
- Давлат реестрлари (нотариуслар, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, адвокатлар ва ҳокозалар);
- Суд ҳужжатларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти, унинг ҳудудий бўлимлари ва туманлардаги суд ижрочилари бўлинмалари тўғрисидаги маълумотлар;
- Вазирлик фаолиятига оид очиқ статистик маълумотлар;
- Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси;
- «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» расмий нашрининг сонлари;
- Адлия вазирлиги томонидан имзоланган халқаро шартномалар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар.

Маълумот учун яна шуни маълум қилиш керакки, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекомуникациялар масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг шу йил март ойидаги 08-4-29-сонли мажлис баённомасининг 6-бандига асосан Адлия вазирлигининг www.minjust.uz сайти www.uz миллий ахборот қидирув тизимига уланган.

## ДАЪВО НЕГА РАД ЭТИЛДИ?

Qonun ko`magi

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти қонун талабларига нечоғли мослигини аниқлашда аудиторлик хизматининг аҳамияти катта. Қашқадарё вилоятида мазкур хизмат билан шуғулланаётган ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар 2000 йил 16 майда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун талаблари асосида фаолият юритишмоқда.**

Бироқ ҳаётда баъзи бир аудиторлик ташкилотлари мазкур қонун талабларини четлаб ўтган ҳоллар ҳам учрайди. Буни яқинда вилоят хўжалик судида кўрилган бир низо мисолида кузатиш мумкин.

Савдо-саноат палатасининг Қарши шаҳар филиали Қарши шаҳридаги «Аудит маркази» масъулияти чекланган жамият манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этди ва «Муборак-101» очиқ хиссадорлик жамиятидан «Аудит маркази» фойдасига 2800000 сўм қарз ва 1400000 сўм устама ундириб беришни сўраган. Бир қарашда бу даъвонинг мазмуни оддий: икки жамият ўртасида 2005 йил 16 январ ва 25 февралда ҳиссадорлик жамиятини аудиторлик кўригидан ўтказиш тўғрисида шартномалар тузилиб, аудиторлик хизмат ҳақи 3400000 сўм қилиб белгиланган. Келишувга мувофиқ, аудиторлик текшируви ўтказилган ва ҳиссадорлик жамияти хизмат ҳақининг бир қисмини ихтиёрий тўлаб, қолганини тўламаган. Оқибатда икки ўртада низо келиб чиққан. Ҳужжатлар чуқурроқ ўрганилганда, ушбу иш анча мураккаблиги, унда шартнома тузган тарафлар, айниқса, «Аудит маркази» томонидан **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги қонун талаблари бузилиб, ҳиссадорлик жамиятига нисбатан адолатсизликка йўл қўйилгани аниқланди. Таъкидлаш жоизки, аудит фирмаси раҳбари текширув баҳонасида ҳиссадорлик жамиятидан ўзининг ташкилоти ҳисобига асоссиз равишда катта миқдорда маблағ ундиришга ҳаракат қилган ва бу нохолис мақсадига қисман эришган.

*(Давоми иккинчи бетда)*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг бир гуруҳ ходимлари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг қўлланиш даражасини аниқлаш, унинг ҳолатини баҳолаш, салбий жараёнларни прогноз қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида ўтган йили Самарқанд ва Фарғона вилоятида мониторинг ўтказишган эди.**

# МУҲИМ АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

2006 йилнинг 26 январ куни Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида ўтказилган **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги қонун мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбатида қонуннинг жойлардаги ижроси юзасидан амалга оширилган мониторинг натижасида аниқланган муаммоларни чуқур таҳлил этган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини бажариши учун масъулиятини оширишни назарда тутувчи тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, давра суҳбатида, ҳокимлик лавозимининг жорий этилиши; маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунчиликнинг яратилиши ва ривожланиши; маҳаллий вакиллик ҳамда ижроия ҳокимиятининг ўзига хос хусусиятлари; улар устидан умумий раҳбарликни ҳоким томонидан амалга оширилишининг устувор жиҳатлари; "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" ғояси – маҳаллий давлат ҳокимияти соҳасидаги қонунчиликни демократлаштириш асоси; маҳаллий давлат ҳокимияти борасида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш; судларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қарорларини бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ҳужжатларининг таҳлили; **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги қонунни янги таҳрирда қабул қилишнинг зарурияти каби масалалар хусусида фикр алмашилди.

Яқинда ушбу давра суҳбати материаллари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан тайёрланган **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги қонун мониторинги натижаларига бағишланган қўлланма ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқди.

Мазкур қўлланмада **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги қонун мониторинги натижалари, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига оид статистик маълумотлар, Олий суд ва Олий хўжалик судлари умумлашмалари, ҳисоботлари, Республика Бош прокуратураси маълумотлари, қонун ижроси билан боғлиқ оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалар таҳлили, ривожланган хорижий мамлакатлар ҳамда МДҲ давлатлари конституция ва қонунларининг маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига оид ҳуқуқий меъёрлари, қонунни такомиллаштириш юзасидан қиёсий жадвал, шунингдек, давра суҳбати иштирокчиларининг тавсиялари ўрин олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тўплам материаллари маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уларнинг мазмун–моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи субъектларга мониторинг натижаларини тақдим этиш, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу маънода мазкур тўплам мутахассислар ва кенг жамоатчилик учун муҳим амалий қўлланма ҳисобланади.

**Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,**
**юридик фанлари доктори**

Yangi nashr




Dunyoning ishlari

# ТОПЛИСС КЎЛИГА ЧЎКТИРИЛГАН ХАЗИНА

***Австрияни Европа сайёҳлик маркази, деб аташади. Чунки бу гўзал диёр Франция, Италия, Испания каби мамлакатлар билан халқаро туризм соҳасида бемалол беллаша олади. Бу юртнинг ажойиб тоғ манзаралари, дилга ором бағишловчи тоза ҳавоси, шаҳарларининг бой тарихи, меъморчилик ёдгорликлари одамни ўзига мафтун этади. Айниқса, суратлардагидек гўзал манзарали Залсскаммергут ҳудудлари кўз кўриб-қулоқ эшитмаган саргузаштларга ошуфта саёҳатчилар ва сирли экспедиция гуруҳларини ўзига оҳанрабодек чорлаб туради.***

Шу ўринда денгиз сатҳидан 2-3 минг метр баландда, тоғ қоялари орасида жойлашган "ўлим дараси" номли кўл атрофидаги сирли воқеалар тафсилотини баён қилишга жазм этдик. Бунинг боиси шундаки, ўлим дарасини эслатувчи бу кўлнинг қаърига шўнғишни истовчи одамларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бораяпти.

Хўш, бунинг сири нимада? Нега одамлар ўз ҳаётини гаровга қўйиб бу кўл қаърига интилишмоқда?

Бу кўлнинг тарихи ўтган асрнинг 45-йилларига бориб тақалади. Иккинчи жаҳон уруши оловини ёққан учинчи рейх тор-мор этилгач, бутун оламга фашистлар тўплаган бойлик Топлисс кўлида ёки шу атрофда яширилган, деган узун-қулоқ гаплар тарқалди. Бундай тахминий миш-мишлар бойликка ўч, мол-дунё учун ҳатто ширин жонидан ҳам воз кечишга тайёр кимсаларнинг оромини ўғирлади. Нафс қутқусига учган шоввозлар зўр иштиёқ билан хазинани қўлга киритиш йўлларини ахтара бошлашди. Афсуски, хазина изловчиларнинг аксарияти бойлик ўрнига ажал қурбонига айланишди.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, 1963 йил 6 октябрда 19 ёшли немис йигити, сув остида сузиш бўйича мутахассис Альфред Эгнер Топлисс кўли қаърида ўлим топди. У сувга чўктирилган хазинани қидириб даҳшатли кўл тубига шўнғиган эди. Эгнер Топлисснинг биринчи қурбони бўлмаса-да, унинг ўлими қай тарзда ва қандай вазиятда рўй бергани ҳозиргача номаълумлигича қолмоқда. Умуман, мазкур кўл ва унинг атрофидаги манзилларда шу пайтгача бойликка ўч, ғаройиб саргузаштларга ўта иштиёқманд кўплаб кишилар қурбон бўлган. Топлиссга туташ Алат кўлида ҳам бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш фожиа юз берган. Худди бахтсиз Эгнер каби ўн етти ёшли Вальтер Ниггл ҳам афсоналарга айланган хазина илинжида сувга тушган-у қайтиб юзага чиқмаган. Унинг ўлими сабаблари ҳам ҳамон очилгани йўқ.

Қизиғи шундаки, хазинани излаб топишга Америка, Франция, Испания каби йирик мамлакатлар ва кўпгина бой-бадавлат кишилар ҳам роса урниб кўрган. Хўш, кўл тубига яширинган дея тахмин қилинган хазина дунё миқёсида қанчага баҳоланган?

Бу саволга жавоб беришдан олдин қуйидаги аниқ далилларга эътибор қаратишни лозим топдик.

Аслида рейх ва нацистлар партияси раҳбарларининг катта бойлиги ҳамда унинг Топлисс кўли атрофига яширилгани ҳақидаги афсона иккинчи жаҳон урушининг сўнгги кунларидан бошланади.

Тасаввур қилинг: фашистлар таслим бўлиш арафасида, Гитлер жон талвасасида сўнгги кунларини яшамоқда, чор-тарафдан иттифоқчилар қўшини сиқиб келмоқда. Немис армиясининг қолган-қутган тарқоқ қисмлари Австриянинг жанубига, жон сақлаш мумкин бўлган тоғли ҳудудларга, айнан баланд қоялар ўртасида жойлашган Топлисс кўли атрофларига чекинмоқда. Айни чоғда нацизм раҳбарлари бойликларини қандай қилиб бўлса-да, сақлаб қолиш пайига тушган. Хуллас, чекиниш пайтида катта хазина ва муҳим ҳужжатларни ўзи билан олиб кетиш ҳамда яшириш учун ушбу тоғли ҳудудлар, тепаликдаги кўллардан бошқа ишончли жой йўқ.

Тарихий маълумотларга қараганда, Алт Аусзее немис армиясининг энг сўнгги қаршилик кўрсатиш истеҳкомларидан бири бўлган. Шу боис нацизм раҳбарлари ушбу шаҳар атрофида, тоғлар орасида яширин ўралар қазиш ва уларга хазинани яшириш, улгурмаган қисмини эса ичига сув ўтмайдиган контейнерларда Топлисс кўлига чўктириб юбориш ҳақида буйруқ беришган.

Бу гапларнинг ҳақиқатга қанчалик яқинлиги тўғрисида бир нима дейиш қийин, албатта. Қолаверса, шундан сўнг иттифоқчилар томонидан хазинани излаб топиш ҳақида махсус дастур ишлаб чиқилади. Бу дастурга кўра, яширилган хазиналар зудлик билан топилиши ва бир жойга тўпланиши лозим эди. Шунда фашист босқинчилари ишғол этган мамлакатлардан қанча миқдорда олтин ва қанча санъат асарларини олиб кетилган бўлса, аниқланиши ва ўз эгаларига қайтарилиши режалаштирилади.

Очиғини айтганда, хазина тўғрисидаги шов-шувларда ҳам жон бор эди. 1945 йилнинг май ойидаёқ Алт Аусзеедаги туз конларининг биридан жуда катта, яъни 100 миллиард маркага тенг хазина топилади. Яна аллақандай Керрининг дала ҳовлисига кўмиб қўйилган ва махфий хизмат бошлиғи Кальтенбруннерга тегишли миллиард маркага тенг турли тилла буюмлар қазиб олинади. Бундан ташқари, Найшвауштайн қалъасига яширилган француз рассомлари Ротшильд ва Штерн, Фрагонар ва Броуэр мўйқаламига мансуб жуда қимматбаҳо санъат асарлари ҳам топилиб, асл ватанига қайтарилади.

Бавариянинг Берхтесгаден шаҳридан 100 тонна олтин, Готанинг жанубий-ғарбида жойлашган ташландиқ туз конидан Мартин Борман қароргоҳида хизмат қилган барон Гельмут фон Гиммелга қарашли бойликлар топилади.

Фельденшайн қалъасида махсус барпо этилган ертўладан топилган маршал Герингнинг шахсий мол-дунёси салмоғи ҳам анча катта эди. Унда 36 та олтин қандил, кумуш ванна, машҳур рассомларнинг юзлаб қимматбаҳо санъат асарлари бор эди.

Ҳозирги кунда рейхнинг жами хазинасини экспертлар 500 миллиард франкка тенг, деб баҳолашмоқда. Булар Италия, Югославия, Греция, Чехославия ва бошқа давлатлардан олиб кетилган турли қимматбаҳо буюмлар бўлиб, улар орасида қуйма олтинлар, турли қимматли металлар, қимматбаҳо тошлар, музейлардан талаб кетилган санъат асарлари бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳали рейхнинг асосий ва катта бойлиги топилгани йўқ. Бунинг сабабини нацизмнинг Гиммлер, Геббелс, Борманн ва бошқа раҳбарларининг ўлими билан изоҳлаш мумкин. Чунки улар Германиянинг урушда енгилишини бир неча йил олдин билган ва шахсий бойликларини ҳар эҳтимолга қарши (балки тирик қоларман, деган умидда) ишончли ва махфий ертўлаларга яширишга улгурган эди.

1945 йил америкаликлар ўзларига шубҳали кўринган бир немис ҳарбийсини ҳибсга олади ва унинг чўнтагидан шифрланган, тахминан СС генерали Фрелих томонидан имзо чекилган бир варақ қоғоз топилади. Унда қуйидаги рақамлар мавжуд эди: 166250000 Швейцария франки. 299018300 Америка банкноти. 31351250000 қуйма олтин. 2949100 бриллиантлар. Миллиард ва миллионларни кўрсатувчи бу рақамлар қайси валютада шифрланганини ҳозирча ҳеч ким билмайди.

Шу ўринда Алп тоғлари яқинидаги Блаа Аммс қишлоғидан Адолф Айхманнинг 19 миллиард франк пули махфий ертўладан топилганини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Айхман 1960 йилгача жазодан қочиб турли шаҳарларда яшириниб юрган эди. У шу йили Исроил махфий хизмат ходимлари томонидан қўлга олинади ва у 1961 йили ўлим жазосига ҳукм этилади.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда Топлисс кўлига яқин ҳудудларда, хусусан, Гаш-Тайн тоғларида, Залссбургда, айниқса, Залсс каммергунда катта бойликлар яширинган бўлиши керак, деб тахмин қилинмоқда ва қидирув ишлари давом этмоқда.

Яширилган хазина атрофида қизиқдан-қизиқ воқеалар ҳам учрайди, ҳатто кимдир махфий бойликлар борасида атай одамларни чалғитаётгандек туюлади. Масалан, хазинани яшириш операцияларида шахсан иштирок этган собиқ лейтенант Франц Готтлих кутилмаганда ғалати хабарни овоза қилган. Унинг айтишича, рус ҳарбий асирлари 30 та темир қутиларга жойланган қуйма олтинларни кўмишганини ўз кўзи билан кўрган экан.

Буни қарангки, ўша заҳоти ашаддий ишқибозлар аталмиш хазина қидирувчиларга жон киради ва юзлаб одамлар апил-тапил иш қуролларини елкасига осиб, Франц Готтлих тахминан ишора қилган жойга йўл олишади. Улар бир ҳафтача бекордан-бекорга ер қазишади, бир-бири билан талашиб-тортишишади. Бироқ шунча меҳнатлари-ю, ўзаро уруш-жанжаллардан бирор натижа чиқмагач, Францни қидиришга тушишади. Табиийки, уни ҳеч қаердан топишолмайди. Чунки Франц Готтлих аллақачон, сирли бир вазиятда ном-нишонсиз ғойиб бўлган эди...

Ҳозирда Австриянинг Залссбург шаҳридан 80 километр узоқликда жойлашган тоғлар орасидаги сирли Топлисс кўли сўнгги пайтларда саргузашт ва хазина изловчиларнинг яна эътиборини тортган. Яқинда бу ерда сўнгги эллик йил давомидаги умумий ҳисоб бўйича ўн учинчи экспедиция уюштирилди.

Бизнингча, топиладими-йўқми, бу гал хазина қидирувчиларнинг мақсади жиддий, ниятлари қатъийга ўхшайди. Нега дейсизми? Ахир, ярим асрдан буён улкан хазинани қидираётган ва шу воқеага қизиқувчи барча кишини охир-оқибат кимдир хотиржам қилиш керак-да!..

**Хорижий оммавий ахборот воситалари асосида Раҳимжон САПАРОВ тайёрлади.**

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

# НИҚОБ КИЙГАН "БИЛИМДОН"

Фельетон ўрнида

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Аниқроқ айтганда, у **«Ўзбекистон Республикасининг бошқарув идоралари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисида»**ги Низом талабларини қўпол равишда бузган. Яъни олий юридик маълумотга эга бўлмаса-да, ўзи тайёрлаган қалбаки гувоҳномадан ғаразли мақсадда фойдаланган ва бир қатор хўжалик юритувчи субъектларда бир пайтнинг ўзида юридик бўлим бошлиғи, катта ҳуқуқий маслаҳатчи, ҳуқуқшунос лавозимларида «фаолият» юритиб келган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Аслиддин Муҳаммадиев 2002 йил 25 апрелида «Асака» банкининг Жиззах вилоят филиалида ўз «фаолият»ини бошлаган. У шартнома асосида ишлаш шарти билан бош ҳуқуқ маслаҳатчиси лавозимига ишга қабул қилинган. 2002 йилда «Асака» банкининг вилоят филиалидан 505 минг 54 сўм, 2003 йилда 1 миллион 673 минг 992 сўм, 2004 йилда 2 миллион 38 минг 42 сўм ва 2005 йилда 1 миллион 492 минг 810 сўм, жами 5 миллион 675 минг 701 сўм ноқонуний иш ҳақи олган.

Энг ёмони, у фақат шу билан чекланиб қолмай бир вақтнинг ўзида «Жиззахгаз» вилоят ҳудудий газ таъминоти корхонасида ҳам «фаолият» кўрсатган. Ва корхонадан у 2004 йилда 710 минг 710 сўм, 2005 йилда 1 миллион 218 минг 360 сўм, 2006 йилнинг январ ойида ойлик маош учун 25 минг 382 сўм, меҳнат таътилига 107 минг 919 сўм, моддий ёрдам учун 203 минг 60 сўм, жами 336 минг 361 сўм ҳақ олган. Буни қарангки, нафси ҳакалак отган «шоввоз» вилоят «Жиззах электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам танда қўйиб олган. Бу ерда у ҳар ойда 142 минг 100 сўмдан иш ҳақини олиб келган.

Шуни айтиш керакки, бу ҳали ҳаммаси эмас.

Аслида, бир ходимнинг бир неча жойда шартнома асосида ишлашига ҳеч қандай эътироз йўқ. Лекин бундай тартиб А.Муҳаммадиевга тўғри келмайди. Юқорида ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, у биринчидан, олий юридик маълумотига эга эмас. Иккинчидан, у жиноятга қўл уриб, сохта гувоҳнома асосида корхоналарда ҳуқуқшунос лавозимига ишга жойлашиб олган.

Шунингдек, қонунчилик талабига кўра, ходим асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромад бўйича солиқ идорасига жами йиллик даромади ҳақида декларация тақдим этиши керак. Даромадларнинг солиқ идорасидан яшириш жиноятдан бошқа нарса эмас. А.Муҳаммадиев эса Солиқ кодексининг 62-моддаси талабларини қўпол равишда бузиб, 2003-2004-2005 йиллар давомида асосий бўлмаган иш жойларидан олган катта миқдордаги даромадлари ҳақида декларацияни тақдим этмаган.

Вилоят адлия бошқармаси А.Муҳаммадиевнинг ноқонуний фаолияти юзасидан жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этиш тўғрисида Жиззах вилоят прокурори номига тақдимнома киритганди. Шу йилнинг 25 март санаси билан вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси П.Назаров имзоси билан тақдимномага жавоб келди. Унда маълум қилинишича, А.Муҳаммадиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда бу воқеага нуқта қўйсак ҳам бўларди. Аммо юқорида баён этилган фикрлар, фирибгар кимсанинг қилмиши кишини беихтиёр мулоҳаза юритишга ундайди. Агар жиддий мулоҳаза қилиб қарасангиз, Аслиддин Муҳаммадиев қўл урган фирибгарликнинг илдизи шўро даврига бориб тақалади. Нега деганда, ўша даврда хўжалик, корхона, ташкилотларда ҳуқуқшунос лавозимига соҳага мутлақо алоқаси йўқ кишиларни жалб этиш оддий ҳол саналарди. Албатта, истиқлол йилларида ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва билим, салоҳиятидан ўринли фойдаланиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 118-сон қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув идоралари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисида»**ги Низом бу борада аниқ мезонни юзага келтирди.

Ўрни келганда яна шуни таъкидлаш лозимки, А.Муҳаммадиевнинг эмин-эркин фирибгарликка қўл уришида юқорида номлари қайд этилган корхоналар мутасаддиларининг ҳам эътиборсизлиги сабаб бўлган. Чунки улар А.Муҳаммадиевнинг мутахассислиги дипломда тарихчи, тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси эканлигига, адлия бошқармалари эса ҳеч қачон олий юридик маълумотга эга бўлмаган ходимга ҳуқуқшунос лавозимида ишлаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома бермаслигига аҳамият берганида муаммо бунчалик чуқур илдиз отмасди.

**Ўрол ЖЎРИПОВ,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**



*Тоғ этагида...*

## ЭЪЛОН!

**Андижон вилояти адлия бошқармаси Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимига танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.**

*Талабгорлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида Андижон вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.*

*Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:*

*1. Нотариат бўйича Малака комиссияси номига ариза;*

*2. Паспорт нусхаси;*

*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*

*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*

*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*

*6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида ишламаган фуқаро қайта имтиҳон топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисида тавсифнома.*

**Мурожаат учун манзил: Андижон шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси 13-уй.**
**Маълумот учун телефон: 224-66-93**

Mushohada

# ОИЛА ТОТУВЛИГИ

## у ҳамжиҳатлик асосида юзага келади

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

— Овқатингни тезроқ пишир, ойим билан дадамни кўриб келамиз, — деди у челакдан бир пиёла сув олиб симираркан.

Аммо Муҳаббат бугун зарур юмушлари борлигини айтаркан, қайнона-қайнотасиникига бошқа куни боришни таклиф қилди. Унинг бу гапи оёқда базўр турган Равшанга нафақат ёқмади, балки баттар жаҳлини чиқарди.

— Сен ота-онамни менсимайсан, шунинг учун боргин келмаяпти, — дея Равшан тўсатдан хотинининг устига бостириб борди. Лекин Муҳаббат унга чап бериб, ҳовли этагидаги оғилхона томон қочди.

Равшан унинг ортидан қувлади. У бир зумда инсоний қиёфасини йўқотиб, ёвузлашиб кетган, авзойидан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин эди. У кўзи қонга тўлиб, оғилхона томон бораркан, йўл-йўлакай пластмасса идишдаги кимёвий воситасини олди. Сўнг оғилхонага киргач, хотинига таҳдид билан шундай деди:

— Мана буни устингдан қуй!

Муҳаббат эса унинг важоҳатидан қўрқиб, дағ-дағ қалтирарди. Қочиб чиқай деса, эри эшикни тўсиб турибди, индамай туриш эса...

Равшан ғазабдан тутақиб-бўғриқиб уни кимёвий воситани устидан қуйишга ундарди. Охири, у эрининг важоҳатидан қўрқиб, ҳалиги суюқликни олиб, устидан қуйди. Эри эса тоқатсизлик билан унинг ҳаракатини кузатиб турарди.

— Энди гугуртни ёқ, — дея ўдағайлади у хотинининг қўлига гугурт тутқазаркан.

Шу тобда Муҳаббат бўрининг чангалига тушган қўзичоқ сингари эрининг измидан чиқиб кетолмасди. Шу боис индамай гугуртни олиб чаққан эди, кимёвий восита тўкилган қўлига "лов" этиб олов илашди. У бундан қўрқиб, дарҳол оловни ўчирди. Шунда Равшан унинг қўлидан гурортни юлқиб олди-да, ёқиш бунақа бўлади, дея гугуртни чақиб, хотинининг устига отди. Бир зумда оғилхона ичида қиёмат қўпди, олов ичида қолган шўрлик аёл ўзини тўрт томонга урар, фарёд кўтариб ўз-ўзи билан олишарди.

Равшан эса шоша-пиша ташқарига чиқиб, оғилхона эшигини маҳкам бекитиб олди...

Ичкарида эса аёл дод-фарёд солар ва жон ҳолатда ўзини эшикка урар, аммо уни очишга кучи етмасди.

Бир чоғ у жон ваҳмида ўзини зарб билан эшикка урган эди, у шарақлаб очилиб кетди ва кийим-боши куйиб адо бўлган аёл отилиб ҳовлига чиқди-да, ўзини ариқдаги сувга отди...

Муҳаббатнинг дод солишини эшитиб, бир зумда ҳовлига қўшнилар Марҳабохон ва Шоирахон кириб келишди. Сўнг Марҳабохоннинг қайноғаси Рустамжоннинг машинасида уни шифохонага олиб кетишди.

Суд-тиббиёт экспертиза хулосасига кўра, бу фожеа оқибатида Муҳаббатнинг бўйинолди ва ёнбош қисми, кўкрак қафасининг олдинги ва қориннинг ўрта юқори қисми ҳамда қўллари 1-2-3-даражали (27-30 фоиз) куйган экан.

Ўрни келганда шуни айтиш кераккки, ҳаётда қўли енгил, қалб қўрини беморга бағишлайдиган шифокорлар бор. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли Муҳаббатнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бироқ эр бўлмиш Равшан инсоний туйғулардан бутунлай мосуво экан. Нега деганда, хотини шифохонада ўлим билан олишиб ётган кунлари у лоақал бир марта кўнгил сўраб бормади. Аммо Муҳаббатхон шунча жабр-ситам кўрган бўлса-да, бағрикенглик қилди.

— Оиламизда уч нафар фарзандимиз бор. Шуларни ўйлаб, ҳозирги пайтгача ҳеч кимга эримнинг устидан шикоят қилмаганман. Ҳозир ҳам унга нисбатан даъвом йўқ, — дея у судда кўрсатма берди.

Бироқ қонун барчага баробар. Жиноятга жазо муқаррар эканини ҳеч ким унутмаслиги керак. Шунинг учун жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди Р.Зокировнинг қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Бош Қомусимиз бўлмиш Конституциямизнинг 66-моддасида — Оила жамиятнинг асосий бўғинидир", дея эътироф этилган. Кўриниб турибдики, оила мустаҳкамлиги жамият тараққиётининг ягона ва энг муҳим омилидир. Оиладаги барқарорлик эса энг аввало оила бошлиғи — отага боғлиқ. Афсуски, баён этилган воқеадаги оила етакчиси Равшан Зокиров бу ҳақиқатни тан олишни истамади.

**Абдубанноб МАДОЛИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**ИНСОН ва ҚОНУН**
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-615. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6